O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

АЙЁМ МУБОРАК, ОПА-СИНГИЛЛАР!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
8 март
ЧОРШАНБА
№ 19
(11.822)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она диёримиз узра баҳор нафаси кеза бошлаган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март - меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан самимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Биз бетакрор юртимиз, гўзал ўлкамиз, барчани ўзига мафтун этадиган фусункор табиатимизни аёлларимизга хос бўлган қалб саховати, ҳаё ва иффат, вафо ва садоқат туйғуси билан, сабр-бардош ва меҳр-мурувват фазилатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, буларни Оллоҳнинг ўзи бизга берган тенгсиз ва хосиятли неъматлар деб тасаввур қилишимиз табиийдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, Яратганнинг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёркин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади.

Аёл деганда, кўз олдимизда аввалambор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик – бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаси бўладими, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизни сақлаш бўладими, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-оқибат, соғлом турмуш тарзи, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўладими – буларнинг барчасида сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг қандай жон куйдириб, фидокорона хизмат қилаётганингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу маънода, ҳеч шубҳасиз, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бош майдонида қад кўтарган, ўзида бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги, муаззам ёдгорлик мажмуига Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берганимиз ҳам қалбимиз тўрида аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром, таъзим ва ташаккуримизнинг яна бир ёркин ифодасидир.

Азиз опа-сингиллар!

Мамлакатимизда 2006 йилга "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб ном беришимиз муносабати билан биз ўз олдимизга қўйган муҳим ва улкан вазифалар аввалambор халқимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, бунинг учун мавжуд барча салоҳият ва имкониятларни ишга солиш, бир ёқадан бош чиқариб, социал ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилгани ҳаммамизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекаларига дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яна кўп иш қилишимиз лозимлигини, бу борада заҳматкаш ва камтарин опа-сингилларимиз олдида қарздор эканимизни ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Яқинда қабул қилинган шифокорлар ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун туғдириб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар, ўйлайманки, ана шу йўлда янги амалий қадамлар бўлиб хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг ақл-заковати, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Қадрли опа-сингилларим!

Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Толеингиз баланд, ризқи насибангиз зиёда, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доим сизга ёр бўлсин!

Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг камолини кўриш, ширин- шакар набираларнинг бешигини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака аримасин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЧЕҲРАЛАРДА ТАБАССУМ

Аёл бор жойда гўзаллик бор, қут-барака бор, файзу тароват бор. Фасллар келинчаги — гўзал баҳорнинг илк кунларида азиз опа-сингиллар, мўътабар онахонлар байрамининг нишонланиши бу икки гўзалликнинг ажиб бир уйғунлигидан дарак.

Бутун Ўзбекистон бўйлаб кезаётган байрам шукуҳи вилоятимизда ҳам кенг намоён бўлди. Вилоят ҳокимлиги томонидан Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб уюштирилган катта байрам тадбири кўтаринки рухда ўтди. Вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев унинг иштирокчиларини чин дилдан қутлаб, бугунги кунда қадри баланд ўзбек аёлларига бахт-омад тилади. Ўзларига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромдан бениҳоя шод бўлган аёлларимизнинг дил сўзлари тугамайди:

— Бугунги тадбирдан жуда хурсандмиз, — дейди оққўрғонлик Сайёра Сайдаметова. — Ўзим «Қувонч» болалар халқ дастасининг бадиий раҳбариман. Болажонлар билан ҳатто чет элга ҳам бориб, санъатимизни намойиш қилиб келдик. Лекин она-Ўзбекистонимиз меҳри барча нарсадан улуғ экан.

— Бугунги шодиёна, аёлларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромдан, очиғи, ҳаяжондаман, — дейди «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти ходими Мавлуда Ҳамроева. — Шундай бахтли кунларда яшаётганимизнинг ўзи тақдир инъоми эмасми?!

— Бугунги бахтиёр чеҳраларни кўриб, кўнглимиз завқ-шавққа тўлди, — дейди Ангрендаги 29-мактаб директори Зарифахон Шокирхонова. — Инсонни муҳит тарбиялайди, бизга кўрсатилган ҳурмат-эътибор келгуси ишларимизга руҳий мадад беради. Аёлини улуғлаган эл ҳеч қачон кам бўлмайди.

— Мен оддий ўзбек аёли бугунги серфайз давра тўрида ўтирганимдан хурсандман, — дейди қуйичирчиқлик пудратчи Гўзал Анорқулова. — Кўпинча иш билан банд бўлиб, концертларга боришга вақт тополмайман. Бугун эса барча машҳур санъаткорларнинг чиқишларини кўриш насиб этди.

Ҳақиқатан ҳам таниқли хонандалар Нуриддин Ҳамроқулов, Шуҳрат Қаюмов, Равшан Комилов, Рашид Холиқов, Fиёс Бойтоев, Илҳом Фармоновнинг чиқишлари, карнай-сурнай, гуллар, совғалар билан кутиб олинган аёлларнинг байрам кайфиятини кўтариб юборди.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

УСТОЗЛАР СИНОВИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қуйичирчиқ туман кенгаши ва халқ таълими бўлими ҳамкорлигида тумандаги техник ижодиёт марказида «Тўғарак раҳбари — 2006» кўрик-танлови ташкил этилиб, марказда фаолият олиб бораётган тўғарак раҳбарларининг ёшлар билан ишлаш маҳорати, кўникма ва тажрибалари ҳамда билим даражалари синовдан ўтказилди.

Танловда ёшларни ортидан эргаштира олиш қобилиятига эга бўлган тўғарак раҳбарлари Нодира Иброҳимова, Мария Қобулова, Олим Ҳакимқулов юқори ўринларни эгаллашди.

Fолибларга совғалар билан бирга танловнинг вилоят ҳудудий босқичига йўлланма топширилди.

Мўмин ИБОДОВ.

САҲНАДА БИЛИМДОНЛАР

Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйида «Аждодлар мероси — бой тарихимиз буюклиги рамзи» кўрик-танлови ташкил этилди.

Уни ўтказишда «Маҳалла» хайрия жамғармаси, халқ таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари туман бўлимлари ҳамкорлик қилишди.

Танловда туман мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўзларини таништириш, ўлка тарихига саёҳат, зукколар мусобақаси, уй вазифаси каби шартлар бўйича баҳслашишди. Барча шартларни аъло даражада уддалай олган 7-мактабнинг «Темурий авлодлари» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Хуршида МЎМИНОВА.

МАКТАБДАГИ СУҲБАТ

Ёшларнинг дунёвий ва диний билимларини ошириш мақсадида Бўстонлиқ туманидаги қатор нодавлат ташкилотлар маҳалла қўмиталари маслаҳатчилари билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларида «Дин — терроризмга қарши» мавзуида очиқ давра суҳбатлари ташкил этмоқда.

Тадбирнинг навбатдагиси 10-умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчилари иштирокида ўтказилди. Туман имом хатиби ва соҳа мутасаддилари диний ақидапарастлик, терроризм ва унинг инсоният бошига солаётган кулфатлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Ибодилла МЎМИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Тайвань раҳбариятининг Миллий бирлашув кенгаши фаолияти ва "Миллий бирлашув дастури"ни амалга оширишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорини қоралайди.

Ўзбекистон ягона Хитой тарафдори бўлиб келган ва ҳозир ҳам шу фикрда туриб, Хитой Халқ Республикасининг "иккита Хитой" ёки "битта Хитой, битта Тайвань"ни яратишга йўналтирилган ҳар қандай уринишларга қарши принципиал ёндашувини қатъий ва изчил қўллаб-қувватлайди ҳамда барча низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишни ёқлайди.

Вилоят ички ишлар бошқармасида касбдош аёллар учун байрам тадбири ўтказилди. Унга вилоят ички ишлар соҳасида хизмат қилаётган хотин-қизлар ҳамда фахрийлар кенгаши аъзолари ташриф буюришди.

КАСБДОШЛАР ШАРАФЛАНДИ

Иштирокчилар бошқармада фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни самимий табриклаб, байрам совғалари топширишди. Шунингдек, хизматни ўташ вақтида фожиали ҳалок бўлган, вафот этган ходимларнинг турмуш ўртоқлари ва оналари ҳамда ички ишлар идораларида хизмат қилиб нафақага чиққан фахрийларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Шерали АНВАРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

ҚАДР ВА ЭЪЗОЗ

Мустақиллик майдонига ўрнатилган эзгулик тимсоли — Бахтиёр она ҳайкалига боқиб туриб, Аёл, Она сўзининг чуқур маъносини, уларнинг жамиятимиздаги ўрнини идрок этиш қийин эмас. Фарзандини авайлаб, ардоқлаётган миллат онаси гўё мустақил Ўзбекистонни, унинг келажагини ҳимоя қилаётгандек. Мана шу манзаранинг ўзи бугунги ўзбек аёли шаънига айтилажак таърифу тавсифнинг улуғ бир рамзи бўлса не ажаб.

Ҳақиқатан ҳам истиқлол туфайли ўзини, ўзлигини англаган Ўзбекистон аёллари жамиятимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу ўринда Президентнинг аёлларни том маънода ҳаётни бошқарадиган ҳал қилувчи ўринлар ва вазифаларга кўтариш, уларга ишонч билдириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги фикрини таъкидлаш жоиз.

Фикримизнинг далили сифатида вилоятимиз аёлларининг бугунги кундаги фаолиятидан айрим лавҳаларни келтирмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига вилоятимиздан сайланган 12 номзоддан 4 нафари, яъни 30 фоизи аёллар эканлиги, вилоят халқ депутатлари кенгашида 12 нафар, шаҳар ва туман кенгашларида 109 нафар хотин-қизлар фаолият юритаётганлиги назарда тутилса, уларга билдирилаётган катта ишончнинг гувоҳи бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Шарифа Салимова, Чиноз тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Аҳмедова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг таълим бўлими мудири Алия Юнусова, «Жўрабек» хусусий фирмаси бош директори Мунира Қориева юқорида таъкидланганидек, ҳал қилувчи вазифаларда эл-юрт

(Давоми 2-бетда).

Ташаббус — 2006

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, унинг иқтисодиётдаги мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, у аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

УЛАР ТАҲСИНГА МУНОСИБ

Вилоятимизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йил сайин кенгаймоқда. Уларнинг рўйхатга олинганлари ўтган йил охирига келиб, 20700 тага етди. Айниқса, кичик бизнес субъектларини тузиш жадал бормоқда. Ҳозир улар 18200 тага борди. Биргина ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларида 30 мингдан ортиқ янги ишчи ўринлари барпо этилди. Шуниси эътиборлики, бу ўринларнинг сал кам 20 мингтаси қишлоқ жойларида очилди.

Вилоятимизда республика Президенти соврини учун «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг иккинчи — вилоят босқичи бўлиб ўтди. Олдинги йиллардаги каби танлов ўтказиладиган Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройи ва унинг атрофидаги майдон байрамлардагидек безатилди.

Тадбиркорлар, фермер ва ҳунармандлар сарой биносида ва унинг ташқарисида ўзлари учун ажратилган жойларда маҳсулотларини намойиш қилдилар. Ўнда туман ва шаҳар босқичида ғолиб чиққан ишбилармонлар иштирок этдилар. Озиқ-овқат маҳсулотлари, оддий рўзғор буюмлари, мураккаб саноат буюмлари намойишга қўйилган эди.

Тадбирнинг тантанали очилишида қисқача нутқ сўзлаган вилоят ҳокимининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ҳожимурод Эрматов барча қатнашчилар ва меҳмонларни табриклаб, вилоятимизда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга бундан буён ҳам эътибор кучайиб боришини ва

(Давоми 3-бетда).

МАВСУМГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Бўстонлиқ туманининг баҳаво ва сўлим гўшаси — «Ҳисорак» оромгоҳини янги мавсумга ҳозирлаш ишлари бошланиб кетди. Бу ерда Тошкент автомобиль йўллари институти профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларнинг дам олишлари учун қатор қулайликлар муҳайё этилади.

Шунингдек, оромгоҳда ёзги-қишки таътил даврида «Мунозара клуби» ҳам фаолият кўрсатади. Унинг машғулотлари замонавий, интерфаол усуллардан фойдаланилган ҳолда ташкил этилиб, мулоқот ва мунозаралар ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига хизмат қилади.

Акбар АЛИЕВ.

БУЮК ВА БЕҚИЁС МЎЪЖИЗАСИЗ, АЁЛЛАР!

ҚАДР ВА ЭЪЗОЗ

ишончини қозонаётган аёлларимиздан.

Ҳар жабҳада фаол хотин-қизлар вилоятда кўплаб топилади. Юздан зиёд олима аёллар фан соҳасининг етакчи кучи сифатида ёшларга ўз билим ва тажрибаларини астойдил ўргатмоқдалар.

Вилоятда Ватанимизнинг юксак унвонлари, мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланган аёллар анчагина. Чинозлик ўқитувчи Фарида Усмонова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими унвони, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Зарифа Эшмирзаеванинг «Фидокорона хизматлари учун» ордени, Қуйичирчиқ туманидаги «Мустақиллик» пахта тозалаш заводи акциядорлик жамияти ишчиси Мансурахон Жалилованинг, Оққўрғон тумани Султон Сегизбоев номли ширкат хўжалиги пудратчиси Ҳадича Ҳабибулинанинг «Дўстлик» орденлари ва бир гуруҳ тиббиёт ходимлари, маънавият ва маърифат, қишлоқ хўжалик ва ишлаб чиқариш соҳалари ходимларининг «Шуҳрат» медали билан тақдирланишини аёлларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг намойиши дейиш мумкин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги улуғ айём — Хотин-қизлар байрами кунида аёллар номи билан боғлиқ ҳар бир ҳаракатни, унинг ижобий натижаларини қайта-қайта тилга олгимиз келади. Хотин-қизлар қўмиталари Президент Фармонининг ижроси юзасидан қатор тадбирларни амалга ошириб келишмоқда. Фармонга кўра, ўз-ўзини бошқариш органларида, маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозимига номзодлар тайинланди. Маҳаллаларда муносиб обрў-эътиборга эга бўлган аёллар, кайвонилар, кўчабошиларнинг ҳар қандай жамоат ишини бажонидил бажаришлари жамиятдаги соғлом муҳитни, барқарорликни таъминламоқда.

Ҳақиқатан ҳам, иш билан бандлик ҳақида сўз кетганда вилоятимизнинг ишбилармон, тадбиркор аёлларини тилга олмай илож йўқ. Пскентлик Сайёра Мўминова, оҳангаронлик Гулчеҳра Пўлатова, қибрайлик Наргиза Назарова, Оҳангарон шаҳридан Зарифа Баҳодирова, янгийўллик Мамлакат Иброҳимова, Чирчиқдан Ражаббуви Имомбердиеванинг тадбиркорлик фаолияти ҳақида вилоятда, республикада, ҳатто, чет элларда ҳам яхши билишади. Вилоятда касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар сафи кенгайиб бораётганлигини бу борада олиб борилаётган ишларнинг самараси дейиш мумкин. Ўртачирчиқ тумани Қайтмас маҳалласида касаначи Шириной Тоғаева қарийб 95 нафар қизларга тикувчилик сирларини ўргатаётганлиги, гилам тўқишни йўлга қўйиш учун ҳаракат қилаётган Эътибор Жабборова, Олмалиқда зардўзлик ишларини ривожлантираётган Мавлуда Бекмуродова, паркентлик Шафоат Улуғхўжаеванинг эркаклар кийимини тикишни оммалаштираётганлиги диққатга сазовордир.

Тўлақонли умр кечириш, жамиятнинг фаол аъзоси бўлишда ижтимоий фойдали меҳнатнинг аҳамияти катта. Бунинг учун эса ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувватлик талаб этилади. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилада тиббий маданиятни ривожлантириш, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳомиладор аёллар ва болалар ўртасида камқонлик касаллиги олдини олиш чоралари кўрилаётир. Шу мақсадда туғиш ёшидаги аёллар, оилалар фарзандларини йод ва темир моддасига бой бўлган дори-дармонлар билан бепул таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг 2004-2007 йилларга мўлжалланган истиқболли ҳаракат дастури асосида бу борада мунтазам иш олиб борилмоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида алоҳида мазмун-маъно касб этган мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг самараси айтиб ўтишга арзигулик. Вилоятда кўзга кўринган тиббиёт ходимлари, малакали шифокорлар талайгина. Кардиолог Белла Ким, акушер-гинеколог Муҳайё Аҳмедова, онколог Ўрингул Нурматова, педиатр Нурия Коренченко, стоматолог Маҳфуза Шораҳмедова, терапевт Зарифа Қосимова ана шундай қўли енгил эл дардига дармон бўлаётган шифокорлар сирасига киради.

Ҳаётнинг гултожи — азиз Аёллар ҳақида сўз борганда, бисотдаги сўз бойлиги етмаслиги аниқ. Таъбир жоиз бўлса, табиат мўъжизаси — мукаррама Аёл, муҳтарама Она сиймоси ҳаётимизни эзгулик нурига чулғаб, барҳаётлик қўрғонини яшнатиб, мамлакат шаънишавкатини улуғлаб, ўз қадр-қиммати йўлида мудом собит тургусидир.

АЛЛА — ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларга тўла мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оила, давлат ва фуқаролик жамияти қурилишидаги иштирокини кучайтириш мақсадида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маслаҳатчилар бу борада қизғин ва самарали иш олиб боришмоқда. Аёлларга билдирилаётган катта ишонч уларнинг масъулиятини янада ошираётир.

Ўртачирчиқ тумани Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғинида 35 минг 416 киши истиқомат қилади. Маслаҳатчи сифатида ҳар бир хонадоннинг моддий ва маънавий аҳволи, иш билан бандлигини доимо ўрганиб бораман. Тан олиш керак, халқнинг ичига кириб бориш, дилидагини топиб айта олиш кўпроқ аёлларга хос хусусият.

Яқинда Ўртасаройдаги 74 та мактабда «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман кенгаши аъзолари билан биргаликда ўқувчи қизлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, қизларнинг маънавий қиёфаси, хулқи ҳақида суҳбатлар ўтказдик. Кам таъминланган оилаларга ҳомийлик қилишни ҳам ўз зиммамизга олдик. Хотин-қизларнинг соғлиғини кузатиб бориш, участка шифокорларининг бу борадаги фаолияти самарали бўлишини таъминлашга кўп куч ва вақт сарфламоқдамиз. Камқонлик, бўқоқ касалликларига қарши курашда тиббиёт ходимлари билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Айниқса, «Ҳаёт қўшиғи — она алласи» маънавий-мусиқий байрам дастури, «Биз соғлом ва бахтли оиламиз» спорт шоуси каби тадбирларда аҳоли уюшқоқлик билан иштирок этди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам учрашувлар, давра суҳбатлари, назм ва наво кечалари ўтказишни режалаштирганмиз. Муҳими, хотин-қизларимиз ҳар томонлама соғлом бўлишсин. Зеро, баркамол авлодни фақат ҳар жиҳатдан соғлом оналаргина тарбиялаб вояга етказа олади.

Муқаддам НУРОВА,
Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси.

ҲИССА ҚЎШСАМ ДЕЙМАН

Шукуҳли, гўзал баҳор фаслининг илк кунларида янги-янги орзулар, режаларни амалга ошириш иштиёқи доимо олдинга интилишга чорлайди. Шундай пайтда Юртбошимизнинг: «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади», деган гаплари тез-тез ёдга тушади.

Соғлом турмуш тарзининг асосий омилларидан бири — спорт соҳасини ривожлантириш, оммавий спортга хотин-қизларни кенг жалб қилишдан иборатдир. Буни бизнинг Паркент томонларда ҳамма яхши тушунади. Шунинг учун каттаю кичик, ёшу қари ўртасида спортни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Наврўз маҳалла аёллари спорт мусобақаларида фаол иштирок этишади. Яқинда Паркент шаҳар хотин-қизлар спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда маҳалламиз аёллари гуруҳи баскетбол бўйича биринчи ўринни эгаллашди.

Аёлларимизнинг ҳар соҳада фаоллиги оилада ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Биз оиламизда ўғил-қизлар жам бўлиб, футбол, теннис каби спорт мусобақаларини қизиқиб томоша қиламиз. Хушбичим, келишган, соғлом спортчи қизларнинг катта-кичик беллашувлардаги чиқишларини кўриб, ҳавас қиламан. Наврўз маҳалласининг ёшлари учун теннис тўгарагини очиш орзуси доимо хаёлимда. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу орзуимни амалга ошириш учун ҳаракат қилаётирман.

Гўзал МИРФАЙЗИЕВА.

Оҳангарон шаҳар саноат касб-ҳунар коллежида 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам кечаси бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда халқ демократик партиясининг туман бўлимлари ташкил этган тадбирда 500 га яқин аёллар иштирок этди.

Кечага таклиф этилган «Қаҳқаҳа» театр жамоаси йиғилганларга байрамона кайфият тортиқ этишди.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА

«Маҳалланг — ота-онанг» дея бежиз айтишмаган. Маҳалла сўзининг ўзи кундалик ҳаётимизнинг асосий мазмунига айланиб қолгандек гўё.

Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида иш бошлаганимда бироз иккиланиб қолган эдим. Аёл бошим билан ниҳоятда қўламли бу жамоатчилик ишини эплашим қандай бўлар экан, деб ҳам ўйладим. Лекин маҳалламиздаги табиатан очиқ кўнгил, меҳнаткаш одамларнинг самимийлиги менга куч-қувват бағишлади. Бутун борлиғим билан ишга берилиб кетдим. Атрофимга кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган фаол аёлларни тўплашга, ҳар ишда уларнинг ёрдамига таянишга интилдим. Қарийб 2014 кишилик аҳолиси, 24 та янги ташкил этилган фермер хўжалиги бўлган бу катта жамоанинг ўзига яраша ташвишлари, муаммолари бор. 12 та кам таъминланган оилани оталиққа олган фермерларимиз Ҳомийлар ва шифокорлар йилида маҳалладошлари турмушини яхшилаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Муҳтож хонадонларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари мунтазам етказиб берилмоқда. Бу, албатта, беғараз, муҳими чин дилдан. Ҳатто, саховатли ҳамқишлоқларимиз имконияти йўқларнинг тўйларини ҳам ўтказиб беришмоқда. Шу ўринда мен саховатли ҳомийлар Ғулом Қурбонов, Абдуғани Исломов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Рашид Раззоқовнинг номларини айтиб ўтишни истардим. Улар маҳалламизда олиб борилаётган ободончилик ишларига ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. Очиғи, маҳалладаги муҳит унинг нечоғли ободлигига боғлиқ. Чунки, кўнгил равшанлиги фақат яхшиликка етаклайди. Шунинг учун, ҳар бир кўча, хонадоннинг тозалиги, ободлигини кузатиб, рағбатлантириб борамиз. Қўшламзорлаштириш борасида ҳам анча-мунча ишларни бажариб қўйдик.

Қисқаси, Янгиобод — ҳақиқий обод маҳалла бўлсин деймиз. Яқинда улуғ айём, Наврўзи олам кириб келади. Ана ўшанда энг покиза, обод хонадонларни аниқлаб, рағбатлантириш ниятимиз бор. Хуллас, ҳали режаларимиз кўп. Умуман, маҳаллада кам таъминланган оилалар бўлмаса, ҳаммаси тўқ, фаровон яшаса деймиз. Бунинг учун янги-янги иш ўринларини ташкил этиш лозим бўлади. Баъзида, эрта тонгдан то шомгача ишдан бўшай олмаймиз. Шундай пайтларда менга мадад бериб турган яқинларимдан, оила аъзоларимдан миннатдор бўламан. «Эл-юрт хизматида бўлишнинг ўзи катта савоб», — дейишади улар.

Муҳаррам РАЗЗОҚОВА,
Бўка тумани.

МАСАЛБОЙ ДАСТУРХОНИ

Баҳорнинг илк байрами Тошкент туманида ҳам ўзига хос рухда нишонланди. Ҳокимликда бўлиб ўтган байрам кечасида тумандаги фахрий онахонлар, фаол хотин-қизларнинг жамият ривожидаги ўрни ва муносиб меҳнатлари кенг жамоатчилик иштирокида самимий эътироф этилди.

Хотин-қизлар байрами тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинларида кенг нишонланди. Хусусан, Масалбой қишлоғи гузарида ташкил этилган дастурхон атрофида ҳудуддаги 6 та маҳалладан нуроний ҳамда фаол аёллар жамулжам бўлдилар. «Сен азиз ва муқаддассан аёл» шиори остида ўтган кечанинг бадиий-мусиқий қисми барчага байрамона кайфият ҳадя этди.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

- Вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар фаол қатнашмоқдалар. Саноат ишлаб чиқариши ва қурилишда 33, қишлоқ хўжалигида 56, халқ таълимида 31, соғлиқни сақлашда 30, бошқа соҳаларда 20 минг нафардан зиёд аёллар самарали меҳнат қилаётир.
- Турли раҳбарлик лавозимларида 6085 хотин-қиз фаолият кўрсатиб, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаяпти.
- Вилоятимиздан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатасига 4, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига 124 хотин-қиз депутатликка сайланган.
- Вилоят олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда муассасаларида хотин-қизлардан 13 фан доктори, 73 фан номзоди, 28 аспирант ва докторант илмий-педагогик ва тадқиқот ишлари билан шуғулланаётир.
- Фақат сўнгги бир йил мобайнида 19 хотин-қиз ишлаб чиқариш ва маънавий-маърифий соҳалардаги ютуқлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Олмалиқ шаҳрида тадбиркор аёллар кўп. Гап фақат уларнинг қобилиятларини вақтида илғаб, ғайрат-ташаббуслари мукаммал намоён бўлишига кўмаклашишда.

ХОҲИШ-ИСТАК БЎЛСА БАС

Республика Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу ишларимизга қанот бағишлади. Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқаришни рағбатлантириш тўғрисидаги фармонлари эса тикувчилик соҳасидаги фаолиятимизни янада кенгайтиришга имкон бермоқда. Ўзим «Истиқлол» тикувчилик курсида ўқиганман. Аввал кийим-кечак тикар эдик. Ҳозир зардўзлик сирларини ўрганишга қизиқадиган қизлардан саккиз нафари бу ҳунарни эгаллашга ҳаракат қилишяпти. Келинлар либослари, ёстиқ жилдларига безак тикишни ўзлаштириб олишди. Дастлаб ака-укалар ёрдамида иш бошлаган эдим. Энди кредит олиш имкониятидан фойдаланиб, попоп тикиш машинасини сотиб олдик. Маҳсулотларимизни бозорга олиб чиқдик. Улар харидорларга манзур бўляпти. Байрамларда, тўй-ҳашамларда ўз қўлинг билан тикилган кийимлардаги ёшларни кўриш қандай мароқли. Айниқса, келинчакларнинг зардўзи дўппилари, қоматига ярашиб турган зар уқали миллий либослари кўзни қувонтиради.

Демак, фаолиятимизни янада кенгайтирсак бўлар экан. Баҳонада хотин-қизларимиз учун яна янги иш ўринлари пайдо бўлади. Ҳар ким ўз қизиқиши, имконияти даражасида меҳнат қилишга ҳақли экан, унинг самарасидан ҳам баҳраманд бўлиши аниқ. Фақат бунинг учун истак, хоҳиш етарли бўлса бас.

Мавлуда БЕКМУРОДОВА,
тадбиркор, Олмалиқ шаҳри, Навоий маҳалласи.

ҚИШЛОҚДА КЕНГ НИШОНЛАЯПМИЗ

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш борасида юртимизда катта тадбирлар амалга ошириляпти.

Бизнинг Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Хос, Тақачи қишлоқларида 10 минг аҳоли яшайди. Уларнинг турмуш даражасини кўтариш учун аввало, аҳолини иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз. Хос қишлоғида 27 та, Тақачида 18 та фермер хўжалиги ташкил этилган. Улар асосан пахтачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланишади. Меҳнатободликлар саховатли тадбиркорлар кўплигидан жуда хурсанд. Улар ёрдамида Хос қишлоғида врачлик пунктини таъмирлаш давом этмоқда. Ҳозирги кунгача бу ишларга 10 миллион сўм маблағ ишлатилди.

Айниқса, туманимизда ишсизлик муаммоси деярли ҳал этилаётганлиги қувонарлидир. Тадбиркор Авазбек Қўзибоев, Ғанишер Рустамов бу борада эл олқишига сазовор бўлаётган ҳомийлардан. «Эл-нур-Диннур» хусусий фирмасида қишлоқнинг 200 нафар йигити қурилиш ишлари билан банд. Ғанишер Рустамов бошчилигидаги Хос ғишт заводида 70 нафар йигит ишлайди. Хотин-қизлар чеварлик, новвойлик билан машғул маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарда, гўзаллик салонларида меҳнат қилишади. Бир сўз билан айтганда, хайрли ишлар кишиларни бирлаштириб, бир оила аъзоларидек аҳиллик хислатларини шакллантиришига амин бўлаяпмиз.

Халқаро хотин-қизлар куни байрами ҳам қишлоқларимизда тантанали нишонланмоқда. Йиғилишларда фаол, элга хизмати сингган аёлларни тақдирламоқдамиз.

Айни пайтда Наврўз байрамига ҳам тайёргарлик кўряпмиз. Мақсадимиз ҳеч кимни беэътибор қолдирмаслик. Ўғилжон Абдураҳимова сингари жамоат ишларида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган фаолларимизнинг кўмаги катта бўлмоқда.

Ибодат НИЗАЕВА,
Бекобод тумани.

Ёш авлодни эл-юртга, Ватанга садоқатли, имон-эътиқодли, мард ва жасур, юксак маънавиятли қилиб тарбиялашда муаллим-устозларнинг ўрни беқиёсдир. Шу сабаб бу шарафли касб эгалари ҳамиша эътироф этиб келинади.

Шаҳзода Мадаминова мана 18 йилдирки, ўқитувчилик касби сир-асрорларини пухта эгаллаб, бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларига математика фанидан таълим бераяпти. Бўка туманидаги 16-умумтаълим мактаби жамоаси Шаҳзода Мадаминованинг ёш авлод тарбиясига қўшаётган муносиб ҳиссасини ҳамиша ардоқлаб, фаолиятини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

СУРАТДА: Шаҳзода Мадаминова дарс пайтида.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Ташаббус — 2006

УЛАР ТАҲСИНГА МУНОСИБ

улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини алоҳида таъкидлади.

Танлов иштирокчилари учта асосий йўналиш бўйича баҳслашдилар. Биринчи бўлиб тадбиркорлар беллашувга киришдилар. Улар ўзларининг фаолиятлари ҳақида қисқача сўзлаб беришди ҳамда соҳаларига оид саволларга жавоблар қайтаришди. Бу йўналиш бўйича биринчи ўрин Чирчиқдаги «Энергомаш» ишлаб чиқариш корхонаси директори Виталий Лига берилди.

Фермерлар ўртасида қизғин ўтган курашларда Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов ғолиб деб топилди.

Ҳунармандлар баҳсида Оҳангарон шаҳри вакили Зарифахон Баҳодирова биринчи ўринни эгаллади. Ғолиблар биринчи даражали дипломлар ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирландилар. Кўрик-танловнинг ушбу асосий йўналишлари бўйича иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритган тадбиркорлар, фермерлар ҳамда ҳунармандларга ҳам қимматбаҳо совғалар берилди.

Бундан ташқари, меҳнатда юқори натижага эришган ва иқтисодиётга муносиб ҳисса қўшган кўрик-танлов иштирокчиларига «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг самарали лойиҳа», «Энг яхши молия муассасаси», «Энг яхши журналист», «Бизнес таълимоти бўйича энг яхши ўқитувчи», «Энг ёш тадбиркор», «Соғлиқни сақлашни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» ва бошқа қатор йўналишлар бўйича рағбатлантириш мукофотлари топширилди. Барча кўрик-танлов қатнашчиларига эсдалик совғалари ва дипломлар берилди.

Кўрик-танловда асосий йўналишлар бўйича биринчи ўринни олган тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар унинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Бир гуруҳ санъаткорлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Равшан Комилов, Маҳмуд Намозов, хонандалардан Гулсанам Мамазоитова, Ирода Искандарова ва «Қаҳқаҳа» қизиқчилар гуруҳи аъзолари кўрик-танлов қатнашчилари хизматида бўлдилар.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *«Ташаббус – 2006» кўрик-танлови ғолиблари – «Энергомаш» ишлаб чиқариш корхонаси директори ўринбосари Бауржон Селихов, ҳунарманд Зарифахон Баҳодирова, «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов; тақдирлаш пайтидан лавҳа.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ФАОЛИЯТ КЎЛАМИ ОШМОҚДА

Ширкат ва фермер хўжаликлари эҳтиёжлари учун минерал ўғитлар етказиб беришда вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти ва унинг жойларда фаолият юритаётган филиалларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Жумладан, бизнинг филиалимиз ўтган йили тумандаги 293 та ширкат ва фермер хўжаликларига шартнома асосида хизмат кўрсатди. Жами 3600 тонна азотли, 250 тонна фосфорли ҳамда 30 тоннадан ортиқ калийли ўғит етказиб берилди. Бунинг эвазига 4 миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўрдик.

Самарали натижаларга эришиб, ўз вазифамизни тўла-тўкис адо этишда вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» жамияти ҳам яқиндан кўмак бераётир. Ўтган йил техник базамизни янада яхшилаш учун лизинг орқали турли ускуналар ва ТТЗ-8011 тракторини, тиркама воситаларини харид қилинди.

Маълумки, туманимиздаги 4 та ширкат хўжаликлари тарқатилиб, улар негизида мустақил фермер хўжаликлари ташкил этилди. Жараёнлар бу йил ҳам изчил давом этаётир. Ҳозирги кунга келиб туманимиздаги тугатилган «Ўзбекистон», Ким Пен Хва ва Навоий номли ширкат ҳамда Тошкент Давлат аграр университети тажриба хўжаликларида фермерларга хизмат кўрсатувчи минерал ўғитлар етказиб бериш шахобчалари ташкил этилиб, улар зарур ускуна ва воситалар билан таъминланди. Бу йил тугатилган 6 та ширкат хўжаликлари ҳудудида ҳам ана шундай шахобчалар фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг самарали иш юритишлари учун қарийб 41 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, филиалимиз техник негизини янада мустаҳкамлаб, фермерларга қулай хизматлар кўламини кенгайтириш учун лизинг йўли билан қўшимча 2 та трактор, 2 та тиркама ва бир нечта НРУ агрегатлари харид қилинади. Шахобчаларнинг ҳаммасини тўлиқ компьютерлаштиришни режалаяпмиз.

Г. БОБОНАЗАРОВ,
вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ Ўртачирчиқ туман филиали раҳбари.

ДЕПУТАТЛАР ВА ФАОЛЛАР ИШТИРОКИДА

Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежида «Ўзбекистон — ягона Ватаним» оммавий-сиёсий анжуман бўлиб ўтди.

Уни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят, Янгийўл шаҳар ва туман кенгашлари маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ташкил этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, талаба ёшлар ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар Янгийўл шаҳар Марказий шифохонаси ва коллеж ҳовлисига дарахт кўчатлари экишди. Коллежнинг битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирувчилар туман ва шаҳардаги олтита коллеж билан битта академик лицейда очиқ эшиклар кунига ташриф буюришди.

Алоҳида гуруҳ машғулоти айниқса, қизиқарли ўтди. Унда депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар касаначилик меҳнатини кенгайтириш масалалари хусусида фикрлашиб олишди.

Жўрабек МУРОДОВ.

«ЭКОСАН» ПОЕЗДИ ПСКЕНТДА

Айни кунларда республикамиз бўйлаб «Экосан» халқаро ташкилоти ташаббуси билан «Экология ва саломатлик кунлари»нинг биринчи босқичи ўтказилмоқда.

Ушбу тадбир доирасида Оролбўйи минтақасига ва экологик аҳвол мураккаб бўлган бошқа ҳудудларга инсонпарварлик юклари ортилган «Экосан» саломатлик автопоездлари жўнатилмоқда.

Унинг навбатдагиси Пскент туманига ташриф буюрди. 2 миллион 600 минг сўмлик кийим-кечак, озиқ-овқат ҳамда дори-дармонлардан иборат инсонпарварлик ёрдами ўз эгаларига топширилди.

Инсонпарварлик ёрдамини тумандаги юқумли ҳамда кўз касалликлари шифохоналарига, 79-мактаб, 7-ихтисослашган мактаб-интернатларга, болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари ҳамда кам таъминланган оилаларга тарқатилади.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Тошкент вилояти ҳудудида қатновчи шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўловчи ташиш йўналишларини 2006 йилда очиқ тендерларда жойлаштириш

ЖАДВАЛИ

Т/р	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Тендер ўтказиш санаси
		ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ	
1.	345 й.т.	Тўйтепа АШБ – Кучлик	14.04.2006
2.	384 й.т.	Бирлик маҳалласи – Қўйлиқ АШБ	14.04.2006
3.	421 й.т.	Микрорайон (Янги ҳаёт) – Қўйлиқ АШБ	14.04.2006
4.	422 й.т.	Тўйтепа АШБ – Қўйлиқ АШБ	14.04.2006
5.	423 й.т.	Тўйтепа АШБ – Амир Темур ҳиёбони АШБ	14.04.2006
6.	424 й.т.	Туябўғиз – Қўйлиқ АШБ	14.04.2006
7.	425 й.т.	Навоий ш/х – Қўйлиқ АШБ	14.04.2006
8.	426 й.т.	Ўртасарой – Қўйлиқ АШБ (Тўйтепа йўли орқали)	14.04.2006
9.	427 й.т.	Авангард қишлоғи – Қўйлиқ АШБ	14.04.2006
		ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ	
10.	209 й.т.	Дўстобод – Дўстлик ш/х	21.04.2006
11.	211 й.т.	Уяли бурилиш – Ҳамза бўлими	21.04.2006
12.	212 й.т.	Дўстобод – Қўрғонча	21.04.2006
13.	213 й.т.	Дўстобод – Оққўрғон	21.04.2006
14.	215 й.т.	«Ўзбекистон 5 йиллиги» ш/х – Беруний ш/х	21.04.2006
15.	217 й.т.	9-бўлим – «Янги ҳаёт»	21.04.2006
16.	458	Тошовул – Қўйлиқ АШБ	21.04.2006
17.	458 й.т.	Тошовул – Қўйлиқ АШБ	21.04.2006
		ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ	
18.	377 й.т.	Ободон маҳалласи – Қўйлиқ АШБ	28.04.2006
19.	381	«Паррандачилик» фабрикаси – Қўйлиқ АШБ (Мамут қишлоғи орқали)	28.04.2006
20.	282 й.т.	«Наврўз» маҳалласи – Қўйлиқ АШБ	28.04.2006
21.	й.т.	«Жунсиз – Қўйлиқ АШБ»	28.04.2006
22.	438 й.т.	«Балиқчи» қишлоғи – Қўйлиқ АШБ»	28.04.2006
		ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ	
23.	428 й.т.	Қўқоновул – Қўйлиқ АШБ	12.05.2006
24.	429 й.т.	«Дўстлик» ш/х (Север. маяк) – Қўйлиқ АШБ	12.05.2006
25.	430	Ким Пен Хва (Йўнғочқоли) ш/х – Қўйлиқ АШБ	12.05.2006
26.	430 й.т.	Ким Пен Хва (Йўнғочқоли) ш/х – Қўйлиқ АШБ	12.05.2006
27.	431 й.т.	Тўйтепа АШБ – ТошДАД тажриба участкаси	12.05.2006
28.	432	Тўйтепа АШБ – Ўртасарой	12.05.2006
29.	434 й.т.	Тўйтепа АШБ – А.Икромов ш/х (Чиғириқ орқали)	12.05.2006
30.	442 й.т.	Тўйтепа АШБ – Туябўғиз	12.05.2006
31.	444 й.т.	Тўйтепа АШБ – Ғаллақудуқ (Чиғириқ орқали)	12.05.2006
		ТОШКЕНТ ТУМАНИ	
32.	448 й.т.	Келес – «Чилонзор» буюм бозори	26.05.2006
33.	473А й.т.	Тутзор маҳалласи – «Беруний» м.б. АШБ	26.05.2006
34.	476 й.т.	«Тошкент» ш/х 2-бўлим – «Беруний» м.б. АШБ	26.05.2006
35.	485 й.т.	Кўксарой қ.ф.й. – Қизғалдоқ	26.05.2006
36.	486 й.т.	Келес – Уч қаҳрамон – Шахристон АШБ	26.05.2006
37.	560 й.т.	«Тўлабий» ш/х – «Чилонзор» буюм бозори	26.05.2006
		ПСКЕНТ ТУМАНИ	
38.	407 й.т.	Пскент АШБ – Бўка АШБ	9.06.2006
39.	333 й.т.	Пскент АШБ – Олмалиқ АШБ	9.06.2006
40.	338 й.т.	«Ўзбекистон мустақиллиги» ш/х – Олмалиқ АШБ	9.06.2006

Т/р	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Тендер ўтказиш санаси
		ЧИРЧИҚ ШАҲРИ	
41.	505	Чирчиқ – Оқтош (Ғазалкент орқали)	23.06.2006
42.	506	Мой қишлоғи – Чирчиқ АШБ	23.06.2006
43.	514 й.т.	Чирчиқ АШБ – Янгибозор АШБ	23.06.2006
44.	527 й.т.	Чирчиқ АШБ – Қўйлиқ АШБ	23.06.2006
45.	574 й.т.	Чирчиқ АШБ – «Чилонзор» буюм бозори	23.06.2006
46.	515	Чирчиқ АШБ – Бўстон қ.ф.й.	23.06.2006
		ЗАНГИОТА ТУМАНИ	
47.	237 й.т.	Дамачи балиқ хўжалиги – 16-шифохона	14.07.2006
48.	450 й.т.	Гулчилик декоратив хўжалиги – Фарҳод бозори – 16-шифохона	14.07.2006
49.	463 й.т.	Зангиота мақбараси – 16-шифохона	14.07.2006
50.	464 й.т.	«Боғзор» қўрғони – Ширин АШБ	14.07.2006
		ҚИБРАЙ ТУМАНИ	
51.	479 й.т.	«Маданият» ш/х – Юнусобод бозори	28.07.2006
52.	490 й.т.	Чингелди – Тузел қишлоғи – Қўйлиқ АШБ	28.07.2006
53.	492 й.т.	Чингелди қ.ф.й. – Гиофизика – ТТЗ АШБ	28.07.2006
54.	493 й.т.	Гулистон қўрғони – Ғишт заводи – Белоножко АШБ	28.07.2006
55.	511 й.т.	Қибрай ш/х – Узумзор – Қадрлик – Белоножко АШБ	28.07.2006
		ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ	
56.	285	Янгийўл деҳқон бозори – Бўзсув қ.ф.й.	18.08.2006
57.	222 й.т.	Янгийўл деҳқон бозори – «Янги ҳаёт» ш/х	18.08.2006
58.	223 й.т.	Янгийўл деҳқон бозори – Паррандачилик фабрикаси	18.08.2006
59.	292 й.т.	Янгийўл деҳқон бозори – Ўрикзор бозори	18.08.2006
60.	467 й.т.	Ўзбекистон темир йўл станцияси – С.Раҳимов м.б АШБ	18.08.2006
61.	й.т	Халқобод қўрғони – С. Раҳимов м.б. АШБ	18.08.2006
		ҚИБРАЙ ТУМАНИ	
62.	499 й.т.	Чингелди – Олой бозори АШБ	8.09.2006
63.	501 й.т.	Мой қишлоғи – ТТЗ АШБ	8.09.2006
64.	513 й.т.	Тараққий – ТошДАД	8.09.2006
65.	515 й.т.	Яланғоч ғишт заводи – Юнусобод бозори	8.09.2006
		БЎКА ТУМАНИ	
66.	249 й.т.	Бўка АШБ – Олмалиқ АШБ (Муротали орқали)	10.11.2006
67.	250 й.т.	Бўка АШБ – Қўйлиқ АШБ	10.11.2006
68.	338 й.т.	«Мустақил Ўзбекистон» ш/х – Олмалиқ АШБ	10.11.2006
69.	395 й.т.	Бўка АШБ – «Туркистон» ш/х	10.11.2006
70.	402 й.т.	Бўка АШБ – Ғ. Азаматов ш/х	10.11.2006
71.	406 й.т.	Бўка АШБ – Й. Хожиметов ш/х	10.11.2006
72.	414 й.т.	Бўка АШБ – «Паркент» ш/х	10.11.2006
		БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ	
73.	й.т.	Марказий шифохона – Академик лицей	24.11.2006
74.	й.т.	Марказий шифохона – Дахана маҳалласи	24.11.2006
75.	й.т.	Мармар заводи – Академик лицей	24.11.2006
76.	й.т.	Ҳалқа йўналиши	24.11.2006
77.	й.т.	Боғчаовул қишлоғи – Туркистон савдо маркази	24.11.2006
78.	й.т.	Сойлиқ – Туркистон савдо маркази	24.11.2006
79.	й.т.	Ғалавасой қишлоғи – Енбек	24.11.2006
80.	й.т.	Ғазалкент – ТТЗ АШБ	24.11.2006

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

Сизларни 2006 йил 14, 28 март ва 4, 11, 18, 25 апрель кунлари соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қўйидагилар қўйилади:

1. Қибрай тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида деҳқон хўжалиги учун сотилиши белгиланган, Қибрай тумани, «Турон» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,06 гектар бўлган 2 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 238 600 сўм.

2. «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба хўжалиги «Олмазор» бўлимида жойлашган 41-сонли ер майдони.

Бошланғич баҳоси – 43 500 сўм.

3. Паркент тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун сотилиши белгиланган, Паркент тумани, «Кумушкон» ёпиқ акциядорлик жамиятига қарашли, сатҳи 0,06 гектар бўлган ер майдони.

4. Паркент тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида шахсий уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Паркент тумани, «Бойқозон» ширкат хўжалигида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 78 672 сўм.

5. Автотранспорт воситалари:

№	Русуми	Тури	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич баҳоси (сўм)
	«КОНВИН» Ўзбек-Америка Қўшма корхонасига қарашли қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:				
1.	ГАЗ-5204	махсус/ёқилғи ташувчи	11 АТ 231	1987	779995,13
2.	ГАЗ-53	махсус/юк ташувчи	18-70 ТШМ	1984	1471524
3.	КАЗ-608 В2	юк тортувчи	27-53 ТШП	1987	805408,5
4.	ГЗСА-950	юк	99-84 ТШС	1990	1253838
5.	ОДАЗ-885	тиркама	24-54 ТШ	1987	415997,4
6.	ОДАЗ-9357	тиркама	77-05 ТШ	1988	346664,5
7.	Т-28 х 4 МАС	трактор	16-35 ЕД	1986	1008267
	«Биокимё» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли қўйидаги автотранспорт воситалари:				
8.	ДТ-75М	трактор	25-58 ЕД	1979	1007854
	Тошкент вилояти хўжалик судига қарашли бўлган ушбу автотранспорт воситаси 11 апрелдан бошлаб аукцион савдосига қўйилади:				
9.	«Самкочавто»	юк	10 АК 341	1999	13523400

6. «Янгийўл» очиқ акциядорлик жамияти агрофирмасига қарашли, 1997 йилда ишга туширилган, SW-20 русумли 43 дона касса аппаратлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 18 900 сўм.

7. «Паркент-Шароб» ОАЖга қарашли қўйидаги асбоб-ускуналар:

Т.р.	Асбоб-ускуналар номи	Ишга туширилган йили	Ҳар бирининг бошланғич баҳоси, сўм
1.	Ультр.охлад.ВУНО-90 (2189460)	1970	218900
2.	Экономайзер	2003	796600
3.	Сушилка КС-15 (1876800)	1985	1876700
4.	Резервуар 75 м3 металлический 2 дона (25439440)	1985	7252800
5.	Резервуар вер. 200 м3 2 дона (42955120)	1983	9806600
6.	Вагон домик	1987	875000
7.	Банкомоечная машина (11445018)	1985	3964550

Ер майдонлари савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

Автотранспорт воситалари ва асбоб-ускуналар савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Имкониятингизни бой берманг!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, факс: 133-43-73.

БАҲОР, АЁЛЛАР ВА ГУЛЛАР

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан "Баҳор, аёллар ва гуллар" кўргазмаси очилди.

Анжуман Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, "Россзарубежцентр", Россия маданият маркази ҳамда тасвирий санъат галереяси ҳамкорлигида ташкиллаштирилди. Кўргазмада профессионал рассомларнинг олтмишдан зиёд асарлари мухлислар эътиборига ҳавола этилмоқда. Хусусан, И. Валихўжаевнинг "Мойчечаклар", "Хотиржамлик", С. Шиннинг "Гуллар", "Кузги атиргуллар", М. Тошмуротовнинг "Гултожихўроз", Д. Розиқовнинг "Гулдаста", Г. Антонованинг "Кўклам" ва О. Залевскойнинг "Гултожихўроз ва анор" асарлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

– Кўргазма 8 март Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган бўлиб, унда аёллар ёқтирган хушбўй гуллар моҳирона акс эттирилган асарлар намойиш этилмоқда. Кўргазманинг номи "Баҳор, аёллар ва гуллар" деб номланиши ҳам бежиз эмас. Чунки одатда аёллар баҳорга, чиройли гулларга қиёсланади, – дейди санъатшунос Гавҳар Абдуллаева.

Кўргазма бир ой давом этади.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс».

• Sport • Sport • Sport • Sport

Қибрай тумани Байтқўрғон маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида «Отам, онам ва мен – соғлом оила» спорт мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.

ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН – СОҒЛОМ ОИЛА

Уни ташкил этишда хотин-қизлар қўмитаси, болалар спортини ривожлантириш, «Маҳалла» жамғармалари, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ҳамда савдо ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба уюшмаси ҳамкорлик қилишди.

Иштирокчилар баскетбол, арқон тортиш, ким эпчилу ким чаққон каби қизиқарли шартларни бажаришди. Барча турлар бўйича фаол қатнашган Зокиржон Каримбердиев оиласи мусобақа ғолиби бўлди. Шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи поғоналарини Комил Юсупов ҳамда Турсунбой Ўткиров оилалари эгаллашди.

Ғолибларга ҳомий ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Феруза ТЎРАЕВА.

СУРАТЛАРДА: *мусобақадан лавҳалар.*

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Қизлар дафтаридан

ҲАЁТ СИРЛАРИ

Эҳ, қанча ҳаётнинг сирлари,
Айтмайди одамлар ростини.
Асрайди бағрида тунлари,
Кундузга сиғмаган гуноҳни.

Ҳеч шукр қилмаймиз баъзида,
Ердамиз, осмонга интилиб,
Ҳаётнинг энг гўзал фаслида,
Ёлғонлар дарахтин ўстириб.

Севгининг қадрига етмай гоҳ,
Хиёнат кўчасин изғиймиз.
Муҳаббат кўнгилдан кетар чоғ,
«Бевафо дунё» деб ўксиймиз.

Аслида инсон-ку, бевафо,
Дунёни тинч қўймоқ истамас.
Бир бора кўрсалар – дард, жафо,
Гуноҳин ўзидан изламас.

Зиёда ФАРҲОД қизи,
Бўстонлиқ тумани.

СОДИҚ БЎЛСАМ

Қайтмоқдаман... дилимда бир ўй,
Хотирадан кўнгилда тугун.
Қўлим каби бўм-бўшдир кўнглим,
Фақат соғинч ҳамроҳдир бугун.
Асли тонгни уйғотар қишлоқ,
Иш тугамас, кундузи узун.
Келсам кафтда ризқ тутар, менчи,
Нима тутдим, шу қишлоқ учун.
Ўзгада йўқ унингдек виқор,
Юксаклиги чинорга монанд.
Суянч бўлган отамга бугун,
Бўлолдимми, мен лойиқ фарзанд?
Тушда кўриб, безовта хуши,
Йўқлаб келса охир хонамга.
Мен шеъримга мукка тушган чоғ,
Хат ёздимми, битта онамга.
Беминнатдир берган нон-тузи,
Пок ниятли элимнинг ўзи.
Қадоқ қўли, қирмиз юзимас,
Кўзларимга ўхшайди кўзи...
Келмоқдаман, дилда бир орзу:
Шу заминда қолар из бўлсам.
Эзгуликлар қиларман ҳали,
Ватанимга содиқ қиз бўлсам.

Наргиза АСАТБЕК қизи,
Қуйичирчиқ тумани.

Шундан кейин

ТАЛОНЧИЛАР ИЗЛАНМОҚДА

МОСКВА вилоятидаги Ўрмон шаҳарчаси қўрғонида қуролланган тўрт жиноятчи Россияда хизмат кўрсатган ҳайкалтарош Владимир Артамонов уйига бостириб кириб, унинг тиғли қуроллар ва медаллар коллекциясини олиб кетишди.

Калтакланган санъаткор шифохонага ётқизилди. XVIII асрга мансуб ноёб қуроллар ва нодир орденлардан иборат қимматбаҳо коллекция ҳамда талончилар изланмоқда.

БОЛАЛАР ЖАНЖАЛИ ДЕБ

ЧЕЧЕНИСТОНДАГИ Урус-Мартан туманидаги Гехи қишлоғида қўл гранатаси портлашидан 13 киши жароҳатланди.

Болалар ўртасидаги жанжалга аралашган катталар низоси охир-оқибатда улардан бирининг ажал уруғини сочувчи қурол ишлатиши билан якунланди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг...

СИРЛИ ҲАМРОҲ

Инсон фаолияти билан боғлиқ барча касб-ҳунарларнинг энг оғири ва хавфлиси кончиликдир. Бир кўчада туғилиб-ўсган, бир синфда ўқиб, мактабни бирга тугатган дўстларим Баҳодир Дўстмуҳамедов ва Эркин Орипов билан айнан шу касбни танладик. Институтда ўқиб, кон муҳандиси бўлдик. Мен йўлланма билан махфийлаштирилган ишга кетдим. Баҳодир билан Эркин эса институтда қолишди.

Тоғда, денгиз сатҳидан 3500 метр баландликдаги бу кон ташқи муҳит билан фақат рация орқалигина алоқа қилар, ҳафтада бир мартагина зарурат туғилганда «катта ер» билан боғланарди. Кўнгил очадиган бирон маскан у ёқда турсин, ҳатто, радио тармоғи ҳам йўқ эди. Телевизорлар эса у пайтларда фақат шаҳарларда, маълум соатлардагина ишларди. Шунинг учун конда ишловчи мингга яқин мутахассисларнинг асосий иши ҳам, ишдан бўш пайтлардаги эрмаги ҳам кончилик эди.

Ишлаб чиқариш жараёнларини яхшиловчи таклифларим корхонада яхши натижалар бера бошлагач, ёшлигимга қарамай, мени конга бош муҳандис қилиб кўтаришди. Иш бошлаганимга ярим йил бўлганида, бир жомадон пул билан Тошкентга — ота-онамни кўргани келдим. Табиийки, дастурхон ёзиб, ўртоқларимни меҳмон қилдим. Юриш-туришимни кўрган Баҳодирнинг ҳаваси келиб, менинг ёнимга бориб ишлаш ниятини айтди. Кондаги мавжуд шарт-шароитларнинг ўта оғирлигини айтганимда ҳам у қароридан қайтмади...

Бир ҳафтадан кейин конга етиб келган Баҳодирни навбатчи муҳандис қилиб ишга олдим-да, ётоққа жойлаштирдим. Унинг хонаси меникига туташ эди. Бундан қувонган Баҳодир эртагаёқ ишга чиқишга тайёрлигини айтди.

— Шошилма! — деб, унинг ҳовурини босдим. — Навбатчи муҳандис бўлиб ишлашинг учун аввал коннинг барча ўйиқларини ўрганиб, улар қаердан бошланишию қайда тугашини, қаерда бир-бири билан туташишини, уларнинг асосий вазифалари нима эканлигини пухта билиб олишинг керак!

— Бунинг учун қанча вақт кетади?

— Бир ой ичида бемалол танишиб чиқа оласан.

Табиатан жуда киришимли бўлган Баҳодир тезда Ўролу Сибирдан, Украинаю Кавказдан ишга келган ёшлар билан дўстлашиб кетди. Иш кўплигидан Баҳодир билан фақат тунда, мен ишдан қайтгач учраша олардим. Шунда ҳам уч-тўрт оғиз гаплашмай, кўзим уйқуга кетарди. Гапидан ишлари яхши, менга саволлари йўқ эди...

Кон директори Дальтон Иванович Немцев, бош геолог Шестопалов ва мендан иборат бўлган комиссия Баҳодирдан имтиҳон олиб, ҳайратдан оғзимиз очилиб қолди. Чунки Баҳодир фаолиятдаги барча кон ўйиқликлари у ёқда турсин, ҳатто, ишлар тўхтатилиб, консервация қилинган иншоотларни ҳам харитага чизиб, ажойиб «ҳисобот» ёзган эдики, ундан кундалик ишларимизда фойдаланса бўларди. Бу иши учун Баҳодирга миннатдорчилик айтиб, беш баҳо қўйдик. Шунда қўлёзмага ҳавас билан қайта қараётган Немцев, қўлёзма устидаги йўриқчи имзосига ишора қилиб, Баҳодирдан сўраб қолди:

— Бу кимнинг имзоси?

— Менга раҳбарлик қилган Бурковаников, — деди Баҳодир бепарволик билан.

Комиссия аъзолари бир-биримизга қараб, бақрайиб қолдик. Чунки 1955 йилдан хотин-қизларнинг конда ишлаши ман этилган эди. Бундан ташқари «ер юзида» ишловчи мутахассислар орасида ҳам бундай исм-шарифли муҳандис йўқ эди. Кон тўғрисида Баҳодирга бундай батафсил маълумотлар бериб, ажойиб «ҳисобот» ёзилишида ёрдам кўрсатган кимсанинг кимлигини билолмай ҳайрон эдик. Баҳодир бўлса геология бўлимига янги келганида, эшик олдида тайёр бўлиб турган Галина уни кутиб олганини ва йўриқчилик қилиши раҳбарият томонидан тайинланганини гапириб, ҳатто, Галанинг уйида бир неча бор бўлганини ва у билан бирга расмга тушганини тўкиб солдида, чўнтагидан суратни олиб, бизга узатди.

Конда 7-8 йилдан бери ишлаётган Немцев ҳам, Шестопалов ҳам суратда Баҳодирнинг кифтига сал суяниб тушган қизни кўриб, танимасликларини айтишди. Шундан кейин директор кадрлар бўлимининг бошлиғи Розия опани чақириб, унга суратни кўрсатди.

Аъзам АЗИМИЙ,
техника фанлари доктори, профессор.

(Давоми бор).

Байрам ҳазили

КУЁВСАЛОМ

Аёлларга очиқ хат

Ассалому алайкум, сариштa аёллар, фаришта аёллар. Юзи офтоб келинлар, қайнонабоп келинлар! Гўзалликда тўтига, зеболикда сарвга дарс берадиган санам қизлар!

Сизнинг таъриф-тавсифингизни минг йиллар куйлашади, бунга бирор янгилик қўшаман, деган одам ён киссасига пул беркитиб қўлга тушган эркакдай ҳижолатда қолади. Бас, шундоқ экан, каминангиз ҳам инсониятнинг гўзал жамоаси бўлмиш Сиздай меҳрижаҳонларга аталган насрий саломномани тўппа-тўғри топшириб қўя қолишга жазм этдим.

Муҳтарамалар! Сиз каби биз — эркаклар ҳам 8 мартимизни орзиқиб кутгандик. Мана, унга омон-эсон етиб келдик. Бироқ, ҳамон бошимизни эгиб, қуллуқ қилиб ўтирибмиз. Лекин буни 8 март куни сизларнинг соғлиғингизга кўтарган қадаҳларимиздан эмас, самимий, чин таъзимдан, аниқроғи эъзоз-ҳурматдан деб билгайсиз.

Ҳозир хаёлимни титкилаб, аёллар ҳақидаги сал тузук, қўрқмай гапирса бўладиган гапларни ахтараяпман.

Машойихлардан бири: «Аёл — уйнинг устуни» деган экан. Албатта, битта устуннинг ўзи билан уй тик турмайди. Уйга бошқа устун ҳам керак. Яъни, масалан, уйнинг аёлдан бошқа устуни ҳам бор. Бу устун... Хуллас, нима демоқчи эканимни тушунган бўлсангиз керак.

Эндиликда сира иккиланмай: «Аёл — ҳаёт устуни», деявериш мумкин. Лекин битта чатоқ томони шундаки, баъзи куёвлар бу устунга яхши кунларда эмас, «улфати чор» бўлиб, девор қучоқлаб келган кунлари кўпроқ суянадиган бўптилар. Бундайларга таъна қилсангиз: «Бизнинг хотин чиндан уйнинг устуни. Доим тикка кириб, тикка чиқади», дейишади, Бу албатта, ёлғон. Негаки, уйга тикка кириб, тикка чиқадиган аёл кунора кир ювиб, хамир қорадиган эркак сингари бармоқ билан санарли бўлса керак.

Гегелнинг ғалати бир гапи бор экан. «Аёлларда энг тараққий этган аъзо — бу тилдир», депти у. Бундай камситишга биз эркаклар сира қўшилолмаймиз. Чунки, мамлакатдаги хотин-қизлардан салкам олтмиш фоизининг сумкасида ё диплом, ё етуклик шаҳодатномаси юрар экан. Мана шу сумка билан аёлларимиз Гегелга яна бир зарба бердилар.

Аммо гапнинг ўғил боласини айтганда, бир шум хабар эшитиб, эркакларнинг уяси бузилай деб турибди. Бир замонлар хотин оила бошлиғи эди. Миш-мишларга қараганда, яна ўшанақа бўлармиш. Бу қанақаси ахир?! Самоварда ошни хотин есин-у, ўчоқ бошида эркак оғзи-бурнини қуялаб ўтирсин?! Кўчада (тўй-пўй ё томошага боришда) хотин рўмолини қийшиқ ўраб саккиз қадам олдинда бедана юриш қилсин-у, сен ортидан нўноқ ошиқдай эргашиб юрсанг?! Ё бўлмаса хотин, мажлисим бор, кечроқ бораман, шоферимдан овқат бериб юборинг, деб сим қоқсин-у, эркак шўрлик дам-бадам болаларнинг лозимини янгилаб, оғзига сўғич солиб ўтирсин?! Йўқ, бундай бедодликка чидаб бўлмайди, бу — эркакларга нисбатан эскича муносабатнинг ўзгинаси!

Эркакларга муносабат айниқса, ичкилик масаласида яққол намоён бўлаяпти. Мана бир мисол. Бир «муштипар» эр «бераҳм» хотинидан дашном еявериб, жонидан тўйибди-да, дўстига ёлворибди:

— Жон дўстим, кўп ичасан, деб хотиним тинчлик бермайди. Бир илож қилмасанг, келаси йил 8 мартдаги зиёфатга етолмай, оламдан ўтишим турган гап.

Дўсти ўйлаб-ўйлаб бир ҳийла топибди. Шомлаб ўртоғиникига келиб, эшикни тақиллатибди. Хотини чиқибди.

— Кечирасиз, мен турмуш ўртоғингизнинг ўртоғи бўламан, — деб-ди у. — Соли пўрим деганни эшитган бўлсангиз керак. Шу менман. Ўзим ҳар куни ярим литрдан ароқ ичаман. Шунга... ҳалиги Эшмат деган дўстимиз бугун ўтириш қилаётган экан. Ўзи ҳар куни бир литрдан ичади... Тошматни ўша ўтиришга чақириб келувдим. Йўлдан кунига бир ярим литр ичадиган оғайнимизниям ола борсин. Эсингиздан чиқмасин, янга, зиёфатда кунига икки литр, якки ярим литр ичадиган ошналарингиз ҳам бўлармиш деб қўйинг. Кечирасиз, янга, мен борай. Кунига уч литр ичадиган ажойиб бир дўстимиз бор. Ҳали ўшаниям айтишим керак эди. Хўп, хайр..

Бераҳм хотин бир ҳол бўлиб, анграйиб қолибди. Эшикни ёпар-ёпмас, ёқасига туфлаб, шукрона келтирибди:

— Ҳайрият. Эр — ўзимнинг эрим экан. Бечора кунига бир шишанинг ярмини ичади. Шунга бошгинасини қотириб ўтирибман. Шукр қилдим...

Бу лавҳага бирор нарса қўшиш лозим эмасдир. Мабодо лозим бўлса, «Эркакларни эҳтиёт қилинг!» деган жумлани қўшиш мумкин.

Яқинда кампир қўшнимиздан бир гап эшитиб қолдим. Сочнинг узуни, гапнинг қисқаси яхши экан. Мен ҳам, қирқ кокил қизларимизга, моҳирўй аёлгиналаримизга узун соч, узун бахт, узун қўл (узун тил эмас) ва узун умр тилаб, машҳур Аркадий Райкиннинг машҳур сўзини келтараман:

— Аёл — инсоннинг дўсти. Шуни ҳеч қачон унутманглар, ақлли эркаклар!

Таъзим ила — бир гуруҳ эркаклар номидан:

Саъдулла СИЁЕВ.

Шайхонтоҳур туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 2004 йил 27 октябрда хусусий тадбиркор Асомуддинов Нуриддин Зайнуддинович номига берилган 1348 рақамли товар операцияларини ҳисобга олиш дафтарчаси йўқолганлиги сабабли.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Акмал Икромов тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 1 мартда «OQ BAYIR» фирмасига (код ОКПО 18413234) берилган 000135 рақамли гувоҳнома ҳамда 2006 йилда тасдиқланган фирма устави йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби томонидан 2001 йил 28 майда Пальчиков Дмитрий Игоревич номига берилган 473114 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўртачирчиқ туманидаги «Куч адолатда» адвокатлик бюроси (ОКПО 18037446)

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тўй-тепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 231-уйда қабул қилинади. Телефон: 21-370.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги «KRIK-MEDIA» МЧЖ (ОКПО 20471339)

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 101-77-54 телефон орқали қабул қилинади.

Рассом хандаси

— Бугунча амаллаб чидаймизда.



— Бир кунда ҳамма ёқни ёқиб юбормасак бўлди.

А. ХАКИМОВ чизган расмлар.

«Алп Жамол Банк» ХОАТБ
қуйидаги акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотиб олмоқчи эканлигини билдиради:

№	Корхонанинг номи	Улуш
1	ОАЖ «Самарқанд вилояти МТП бирлашмаси»	15 %дан юқори
2	ОАЖ «Фарғона вилояти МТП бирлашмаси»	15 %дан юқори
3	ОАЖ «Бухоро вилояти МТП бирлашмаси»	15 %дан юқори
4	ОАЖ «Хоразм вилояти МТП бирлашмаси»	15 %дан юқори

Ушбу таклиф эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида кучга эга.

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 3 мартдаги 11-0622/1791 ва 11-0622/1805-сонли иш ажримига асосан, Юқоричирчиқ туманидаги «РАХ» МЧЖ ва «Классик» ХФга нисбатан банкротлик таомили қўлланилиб, кузатув жорий қилинган ва муваққат бошқарувчи этиб А. Қ. Абдусаматов тайинланган.

Шу муносабат билан 2006 йил 18 март соат 11.00 да «РАХ» МЧЖ биносида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади. Ушбу йиғилишга ишончнома билан қатнашишларингиз шарт.

Даъволар учун Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-А уйга мурожаат қилишингиз мукин.

Манзил: Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, «Барданкўл» қўрғони, «РАХ» МЧЖ биноси.

Маълумот учун телефонлар:
135-81-19, 51-14-74.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 9587. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6